

4.3 Куйидаги ҳолларда Корхона Истеъмолчига Энергиянинг етказиб берилишини тұхтатиши ва узib күйиш оқибатлари учун жавоб бермаслик ҳукукига эга:

- а) Энергия (Кувват) шартномавий мікдордан күп сарфланганида ёки Энергия (Кувват) истеъмолининг белгиланган режими бузилгандан;
- б) электр таъминоти шартномасини тузмасдан Энергия истеъмол қилингандан;
- в) “Ўстандарт” агентлиги томонидан қиёслашдан ўтказилган Энергияни хисобга олиш приборлари бўлмагандан;
- г) Энергия (Кувват) учун шартномада белгиланган мікдорда ва муддатда тўлов тўланмагандан;
- д) Корхона тармоқларига электр қабул қилгичлар ўзбошимчалик билан улангандан ёки Кувват шартномада белгиланган мікдордан ошириб юборилгандан;
- е) электр қабул қилгичлар хисобга олиш приборларидан ташқари улангандан ёки Энергияни хисобга олиш схемаси бузилгандан, шу жумладан хисобга олиш приборларининг ва ўлчаш трансформаторларининг пломбалари бузилгандан;
- ж) Корхона вакили хисобга олиш приборларини кўришга кўйилмагандан.

4.4 Электр манбаидан узib кўйилиши техноген ва авария оқибатларига олиб келадиган, ўта хавфли ва узлуксиз технологик жараёнли (махсус тартибда Энергия етказиб бериладиган корхоналар рўйхатига киритилгандар) саноат корхоналарида карздорлик пайдо бўлган тақдирда ҳақ тўланмаганлиги учун Энергия етказиб беришни чеклаш, белгиланган тартибда, электр таъминотининг технологик ва авария бронигача, тўлиқ узib кўйиш эса – факат суд карорига кўра амалга оширилади.

4.5 Барча юкорида кўрсатиб ўтилган вазиятларда ягона электр энергетика тизими электр тармоқларига қайта улаш ва Энергия етказиб берилишини тиклаш ишлари Истеъмолчи томонидан шу билан боғлик харажатлар қопланганидан кейин навбат билан амалга оширилади.

V. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Истеъмолчининг ҳукуқлари:

- а) Корхона томонидан шартномавий мажбуриятларнинг шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарилишини талаб қилиш;
 - б) Энергияни электр тармоқларининг бўлинниш чегарасига шартномада кўрсатилган мікдорда етказиб беришни талаб қилиш;
 - в) электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида Энергиянинг сифат кўрсаткичларини давлат стандартларида белгиланган даражада саклашни талаб қилиш;
 - г) Корхонанинг электр тармоғи хўжалиги объектларини режали таъмирланиши туфайли Энергия билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида узib кўйишгача камидан 3 сутка олдин огохлантиришни талаб қилиш;
 - д) Энергиянинг тегишли мікдори учун олдиндан тўлов амалга оширилган тақдирда Энергиянинг шартномавий мікдорини ўзгартиришни талаб қилиш;
 - е) Олдиндан ҳақ тўланганлигидан катъий назар Энергиянинг шартномавий ҳажмини камайтириш томонига ўзгартиришни талаб қилиш.
- Бундай талабномалар назарда тутилаётган ўзгартиришлардан (жорий ой тугашидан) 10 кундан кечикмай берилиши лозим.

5.2 Истеъмолчининг мажбуриятлари:

- а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;
- б) келгуси ҳисоб-китоб ойи учун Энергия (Кувват) ҳажмига шартномада белгиланган муддатда ҳақ тўлаш;
- в) Электр курилмаларини зарур техник холатини ва Истеъмолчиларнинг электр курилмаларини эксплуатация килишда Хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя килиниши ҳамда Энергиядан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;
- г) 7-иловага мувофиқ компенсация курилмалари иш режимига (реактив энергия ва кувват истеъмоли) риоя килиш;
- д) энергетика тизимининг энг катта юкламали соатларида талаб этилган Кувватдан ошмаслик.

